

Мария КОВАЛЕВА — Бўка райондаги «Ленин йўли» колхозидан. Марин ХЭС—1,2 машинасида қунига 3 тоннадан

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚЛИКЛАР ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИДА ОЛДИНДА БОРМОҚДАЛАР

ЎЗКОМПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ШАРАФИГА


Районнинг илғор пахтакорлари



Ўртоқ ЛИ ЕН ХВА,
«Политотдел» колхозининг участка бошлиғи.



Ўртоқ Карима УРМОНОВА,
Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхозининг теримчиси.



Ўртоқ Ахмадали КУРБОНОВ,
«Ленинизм» колхозининг аъзоси.



Ўртоқ Хурби АБДУГОДИРОВА,
«Ленинизм» колхозининг турсуноччи механик-хайдовчиси.



Ўртоқ Кейсин БАРАТОВА,
«Правда» колхозининг теримчиси.

Юқори Чирчиқ районининг пахтакорлари барча ишчи кучлари ва техника воситаларини йигим-теримга тўла сафарбар этиб, кунига давлатга йиллик планнинг 2-2,5 проценти миқдорида пахта топишмоқдалар. Пахтакор ўртоқлар, Юқори чирчиқликлардан ўртак олиб, пахта тайёрлаш суръатини янада ошириш учун астойдил курашингиз!

СЎЗИМИЗ ҚАТЪИЙ

Бизнинг колхоз аъзолари ҳозирча пахта тайёрлаш планини 45 процент бажардилар. Илғор бригадалар ҳосили жадал йиғиб-териб олишда яхши кўрсаткичларга эга бўлишди. Ўртоқ Исмомил Давидов бошлиқ бригада аъзолари йиллик планини 55, Султонбой Мирзаалиев бригадаси 45 процент қилиб бажардилар. Шулар қатори бизнинг бригадада ҳам кунига 2,7 — 2,8 процент миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Колхозимизда пахта тайёрлашнинг жадал суръати билан давом этишда илғор теримчиларимизнинг ҳиссаси катта. 4-бригаданинг М. Собирова, 1-бригаданинг Т. Айноқуллова, 2-бригаданинг Р. Анорқуллова каби теримчилари кунига 200—250 килограммгача етказиб пахта термоқдалар. Бизнинг илғор теримчиларимиздан Ержонов, Нойбеова сингари қизларимиз ҳам улардан қолишмайди.

Биз пахта теримини тезлаштириш учун машина теримини бошлаб юбордик. Бунинг учун 40 гектар ер ажратдик. Механик-хайдовчимиз дастлабки кунларда оқолтириш кунда ХВС-1,2 машинаси билан 4 тоннадан пахта тера бошладик. Бизнинг бригада аъзолари йиллик планини 20 октябрда бажаришга аҳд қилдилар. Биз бу аҳднинг устидан чиқиш учун бутун кучимизни сарфлаймиз, Сўзимиз қатъий.

Мусоки ҚОЛДИБЕКОВ,
Сталин номи колхозининг бригада бошлиғи.

Районда биринчи

ЯНГИ БОЗОР, (телефон орали олинди). «Политотдел» колхоз пахта тайёрлашда районда биринчи ўринда бораётди. Бу колхозда йиллик план 60 процент бажаришди. Ҳар кунга 4 — 5 процент пахта тайёрланмоқда. Шу туфайли ҳам район партия комитети ва район икрия комитетининг кўмаки билан бажаришга аҳд қилишди. Бу шийонда қилиб турибди.

Бир ерда кундан-кунга гайрат қилган кўпмикилограммчи теримчилар, мохир механик-хайдовчилар оз эмас. Зухра Юнусова, Зулфи Арслонова, Зоя Юсупова, Турсун Усербоева, Мирзаалиев Паримқуллов ўртоқларнинг ҳар бири ҳозиргача хирмонга 3000 — 4000 килограммдан пахта тўқди. Улар кунига 200 — 230 килограммдан пахта термоқдалар. Механик-хайдовчи Раҳмон Алиқуллов СХМ-48 М машинасида кунига 1200 — 1800 килограммдан пахта тераётди.

Р. ДОВУТБЕКОВ.

ФУРСАТ ҒАНИМАТ, ФУРСАТ!

Бизнинг колхоз аъзолари 800 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил етиштириш учун 5 бўйи астойдил ишлашди. Ҳозир мана шу ҳалол ва фидокорона меҳнатнинг самараси — тонна-тонна «оқ олтин» хирмонларга тўкиляпти ва пешма-пеш пунктга жўнатилиб турибди.

Колхозчиларимиз эндиликда ўзлари етиштирган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун янада ақид қилиб ишламоқдалар. Биз ҳозиргача колхоз бўйича йиллик пахта тайёрлаш планини 36 процент бажардик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 7 октябрда очилган пленумига қадар йиллик пахта тайёрлаш планини 65 процент бажариш учун курашмоқдамиз. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Илғор бригадаларимиз пахта тайёрлашда давондан ошдилар. Ўртоқ Сарваф Муллахонова бошлиқ бригадада йиллик план ҳозиргача 54, Ўртоқ Ҳосилбой Мирзаалиев бошлиқ бригадада 51 процент бажаришди. Асли Маймоков, Мурот Шералиев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам

ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ

М. В. КИМ,
Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари.

баева каби ўйлаб чевар теримчилар ҳозиргача эл хирмонига 3000—3500 килограммдан пахта тўқдилар. Колхозларнинг партия ва комсомол ташкилотлари уларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштирмоқда.

Бу йил пахтани машинада теришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Шу кунларда мавжуд 30 та пахта териш машинасининг деярли ҳаммаси тўхтовсиз ишлаб турибди. «Ленинизм» колхозининг ўтган йили мавсумда қўл билан 11 тонна пахта терган чевар теримчиси Хурби Абдуқодирова бу йил Турсун Охунова изидан бориб, механик-хайдовчилар мактабини муваффақиятли тамомлаб чиқди. У ҳозир ҳар кунга «ХВС-1,2» машинаси билан уч тоннадан ошириб пахта термоқда. Свердлов номи колхозининг мавсумда 170 тонна пахта териш мажбуриятини олган мохир механик-хайдовчиси Ўртоқ Лим Антон кунига 5 тоннадан, «Правда» колхозининг механик-хайдовчиси Этам Темиров, «III Интернационал» колхозининг механик-хайдовчилари Мунаввар Носирова ва Тўра Нурбаев ўртоқлар 4 ва 4 тоннага етказиб пахта тераётдилар.

Айрим илғор хўжалиқларимиз пахта йиғим-теримига пухта тайёрларлик кўрган ҳолда киришди-лар ва ҳозир терим суръатини кун сайин кўзайтирмоқдалар. «Политотдел» колхоз (райси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хван Ман Гим, партия комитетининг секретари Ким Сан Фир ўртоқлар) шу кунга қадар давлатга пахта сотиш планини 60 процент қилиб бажарди. Янгида Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Ўйлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XIV сессиясида сўзлаган нутқи муносабати билан колхоз аъзоларининг мингити бўлиб ўтди. Мингит

15 ТОННА ПАХТА ТЕРАМАН



Ўртоқ Мария УМБЕТОВА.

Колхозимизнинг барча дала-ларида чамандай очилиб етган пахтани тезроқ териб олиш учун қизгин кураш бормоқда. Бизнинг бригадада Рисова, Чини каби теримчилар ҳар кунга 191—203 килограммгача пахта териб, ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

Мен ҳам шу теримчилар билан бир қаторда ишлаб, ҳар кун хирмонга 230 килограммдан пахта топишмоқдаман. Мавсум бошидан бери салкам тўрт тонна пахта тердим. Мақсадим мавсум охиригача 15 тонна пахта теришди. Ҳозир мен шу аҳднинг урдадан чиқиш учун курашаман.

Мария УМБЕТОВА,
Свердлов номи колхозининг 10-бригада теримчиси.

қатнашчилари тинчликнинг толмас курашчиси азиз Никита Сергеевич Хрушчевнинг ёрқин нутқини ақдллик билан маъқуллашди ҳамда тинчлик ва фаровонлик манфатлари учун давлатга пахта сотиш планини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленуми очиладиган кун — 7 октябрда бажаришга қарор қилдилар.

Район колхозлари бу йил луб экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлишди. Бу экинни ўриб-йиғиб олиш уюшқоқлик билан давом этмоқда. Бунинг натижасида давлатга қанот пойсотиш пани бу йил ўтган йилдагига нисбатан 5 кун илгари — 21 сентябрда бажарилиди.

Ҳозир колхозларда луб экинлари ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ва уруғлик тайёрлаш қизгин давом этмоқда. Район лубчилари бу йил давлатга 95 — 100 минг тонна луб экинлари ҳосили ва 650 тонна қанот уруғи топишириш учун астойдил ҳаракат қилишляпти.

Районимиз саноат корхоналари шу йилнинг саккиз ойлик планини муваффақиятли бажариб, давлатга пландан ташқари икки миллион сўмлик маҳсулот топишди.

Бизда узумчилик ҳам қизиб-ривожланган соҳа ҳисобланади. Илғор «Гудистон» ва «Коммуна» колхозлари 26 сентябрда узум сотиш планини бажардилар. Район соҳибкорлари давлатга 3840 тонна узум сотиш планини Ўзбекистон Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми очилиш кунига қадар бажариш учун курашмоқдалар.

Мустаҳкам ем-хашак базаси яратиб чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шартидир. Район колхоз ва совхозлари буни ҳисобга олиб, 126 минг тоннадан ортиқ, яъни ҳар бир сингирга 33 тоннадан тўғри келадиган миқдорда силос бостирдилар. Шунингдек дағал хашак тайёрлаш ва давлатга сотиш пани ҳам ортигин билан адо этилди.

Хўжалик соҳасидаги муваффақиятлар кўп жиҳатдан партия ташкилотлари томонидан омма ўрта-сида олиб бориладиган ташкилотчилик ва партиявий-сиёсий ишларнинг самиясига боғлиқдир.

Район партия ташкилоти бундан бундан ҳам омманинг бутун куч ва гайратини қишлоқ хўжалиқининг ҳамма соҳаси бўйича олган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш ва келгуси йил мўл ҳосилга пухта амин ҳозирлашга сафарбар этади. Бу эса бизнинг Ўзбекистон Марказий Комитети Пленумига муносиб совғамиз бўлади.

Пленум очиладиган кунга планни бажарамиз

Бизнинг участкамизда ишлаб турган колхозчилар бу йил 305 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнер ўрнига 45 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилиб, йил бошидан бери фидокорона меҳнат қилдилар. Қилган меҳнатларимиз зое кетмади. Далаларимизда мўл ҳосил етишди. Эндиги ҳамма иш мана шу етиштирилган ҳосилни жадал териб олишдан иборат.

Меҳнатсевар колхозчиларимиз йиғим-терим даврида ҳам баланд рух, зўр уюшқоқлик билан ишламоқдалар. Шу туфайли биз кунига 3—4, ҳатто 5 процентга етказиб пахта тайёрлашмиш. Бизнинг участкадаги Ўртоқ Хайрулла Мусаллоев бошлиқ бригада аъзолари 11 кунда йиллик планини 54 процент, Ким Григорий бошлиқ бригада аъзолари 52 ва Абдулла Раҳмонов бошлиқ бригада аъзолари 48 процент қилиб бажардилар.

Участкамизда Карима Урмонова, Зоҳира Юсупова ва Хан Элла сингари чевар теримчилар кўп. Улар 10—11 кунда 3—4 тоннадан пахта териб, мавсум нормасини бажариб қўйдилар. Бригадаларимизнинг дала шийонларига осиб қўйилган теримчилар рўйхатидан қулиқ нормани бажарувчиларни топиш қийин.

Ўртоқ Бақир Нурумбетов 62 ёшга кирган. Лекин у бизнинг ишимизга кўп ердан бераётди. Хирмонда пахтани тез қурийтиб, пунктга жўнатишда жойбозлик кўрсатапти. Участкамизда бу хилдаги кишилар оз эмас. Шунинг учун ҳам пахта териш ва топириш суръати ошиб бораётти. Колхозчиларимизнинг ҳаммаси ақид бўлиб, астойдил меҳнат қилаётганликлари туфайли биз зўр ишонч билан, ўз участкамизда йиллик планини Ўзбекистон Марказий Комитети Пленуми шарафига 6 октябрда, колхозимизда 7 октябрда бажарамиз, деб аҳд қилдик. Биз албатта бу сўзимизнинг устидан чиқамиз.

ЛИ ЕН ХВА,
«Политотдел» колхозининг участка бошлиғи.

500 минг тонна уғун!

Районнинг илғор пахтакорлари



Ўртоқ Ташен ҚУЛУМБОВА,
«III интернационал» колхозининг теримчиси.



Ўртоқ Яхшигул ИБРАЕВА,
«Правда» колхозининг теримчиси.



Ўртоқ Хурсанали ОБИДОВ,
«III интернационал» колхозининг бригадари.



Ўртоқ Назира ЖЕЛАЕВА,
«Политотдел» колхозининг теримчиси.



Ўртоқ Эргаш АХМЕДОВ,
«III интернационал» колхозининг теримчиси.



Свердлов номи колхозда машина билан пахта теришга катта хирмонга 4 — 5 тоннадан оқ олтин териб тўқмоқда. Суратда: эътибор берилмоқда. ХВС — 1,2 машиналарида ишлаётган ҳарбир механик-хайдовчи кунига эл В. Салов фотолари.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 30 СЕНТЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясида

НЬЮ-ЙОРК, 27 сентябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XV сессиясининг ағзалари мажлиси бүгун Нью-Йорк вақти билан соат 10—50 минутда (Москва вақти билан соат 17—50 минутда) очилди.

Умумий сиёсий дискуссияда биринчи бўлиб Руминия делегациясининг бошлиги Г. Георгиу-Деж сўзга чиқди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси ишга тушган кундан бошлабқоқ деди у, бутун дунёда ҳаммаи гоат қизиқтириб. Сессия халқаро муносабатларнинг ҳаётий муҳим масалаларини муҳокама қилиши лозим. Бу масалаларни ҳал қилишнинг ҳозирги замонадаги бутун инсониятнинг тараққиётига чуқур таъсир ўтказад. Шунингдек сессия аввало мустақилла системаини турғатиш ҳамда ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемаси программасини амалга ошириш масаласини муҳокама қилиши лозим.

Инсониятнинг тақдирини учун, тинчлик истиқболни ва халқлар ўртасидаги яхши ҳамжиҳатлик истиқболни учун ўз зиммасидаги юксак масъулиятни чуқур ҳис қилаётган кўпгина давлатлар ва ҳукуматлар бонликлариининг сессия ишида қатнашган ётганлиги муҳим ҳодисалар. Совет давлати бошлигининг бу йўлда бораётган қимматли ташаббуси эфр куч билан қувватланади.

Г. Георгиу-Деж ақинда Африкада мустақиллик олган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинган янги мамлакатларини ҳамда Кипр Республикасини табриклиди. Уставга риоя қилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун ҳаётий муҳим шартдир. Бироқ деди Георгиу-Деж, Хитойнинг ҳуқуқларини тан олиш ва МҒулистон Халқ Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш масаласида АҚШ ҳукумати ва унинг иттифоқчилари уставиға ёт бўлган манфаатларни ва мўжажларини кўзлаб иш қилмоқдалар. Хитой халқининг йўллага мустақил ҳок қилиб қўйилаётган ва унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ўзининг қонуний ўрини олишига халақит бераётган тўсиқлар бу ташкилотнинг оғирлиғи ва тазсирчанлиғига жиддий зарба бермоқда.

Ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида Совет Иттифоқи кiritтан таклифлар, деб давом қилди Г. Георгиу-Деж инсоният жамияти тараққиётида инсониятнинг шундай бир давр очиниға қаратилган олижаноб интилишларига мос бўлиб турмаётгани, бу янги даврда урушлар тамомилан йўқ қилинган бўлур эди, одамлар эса қолоқлик, қашшоқлик ва очлик абадий тутғатилибди, тинч муносабатлар, мамлакатлар ва халқлар ўртасида самарали ҳамкорлик ва дўстлик муносабатлари равақ топадиган дунё яратмоқ учун планетамизнинг ресурсларидан ва ўз гайратларидан тўла равишда фойдалана оладиган бўлур эдилар.

Ғарб давлатларининг салбий позицияси натижасида деди Г. Георгиу-Деж, қуролсизланиш тўғрисидаги музокаралар боши берк кўчага кириб қолди, биз бу боши берк кўчадан чиқиб йўлни тоғиш мумкин ва лозим деб ҳисоблаймиз.

Ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартноманинг Совет ҳукумати бошлиги Н. С. Хрушчев шу сессияда таклиф қилган асосий қондалари бу проблемани конкрет ва конструктив ҳал қилиш йўлини тўтмоқ учун жиддий неғиз вузжда келтириди ва Бош Ассамблеянинг боши берк кўчадан чиқиб олишига имкон беради.

Руминия делегациясини, деди Руминия делегациясининг бошлиги «ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартноманинг асосий қондалари» деган совет ҳужжати шу сессияда қуролсизланиш масаласини самарали ва конструктив муҳокама қиломоқ учун Бош Ассамблеяга жиддий неғиз бўла олади деб ҳисоблайди ва бу нарса қуролсизланиш ишнини оддинга силжитиш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилишга ёрдам беради деб умид қилади.

Г. Георгиу-Деж сўнгра кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш проблемасига тўхталиб ўтди.

Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги кўп мамлакатлар иқтисодий социал ва маданий жиҳатдан қолоқ аҳволда қолганлиги деди у, шу мамлакатларда узоқ вақтлар давомида империалистлар ҳуқуқорилик қилиб келганлигини, монополиялар, мустамлака қудлиги режими ҳўжайинлик қилиб келганлигининг натижасидир.

Қуролсизланиш натижасида бўшаб қоладиган жуда катта маблағларни Осиё, Африка ва Латин Америкасида кам тараққий этган мамлакатлар саноатини ривожлантиришга, уларнинг қишлоқ ҳўжаллигини модернизация қилишга ҳамда қишлоқ ҳўжаллиги ишлаб чиқаришини кўпайтиришда, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга, халқ маорифининг ва соғлиқни сақлашни кенгайтиришга сарфлаб, бу қолоқлиқни йўқотиш мумкин.

Г. Георгиу-Деж ҳаюнда баъзи бир кимсалар «совуқ уруш» ва эфр бериб қуролланиш бўлидан воз кетмангликларини айтиб бундай деди:

Шимолий Атлантик пактига аъзо бўлган давлатларнинг ҳомийлиги остида Ғарбий Германиянинг реваншичлари жаддал равишда қуроллантиришга ётганлигини биз бошда тинчлик-севар халқлар билан бирга ҳаққни равишда ташвишланиб кузатмоқдамиз. Тинчлик манфаатлари иккинчи жаҳон урушининг оқибатларини турғатиш ва Германия билан суҳб шартномаси тузиш тўғрисида Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикасининг таклифларини амалга оширишни қатъий талаб қиломда.

Г. Георгиу-Деж «Социал сиёсий системаларни турғатиш бўлган Европа давлатлари ўртасидаги яхши қўшиқчилик муносабатларини» ахшилаш мақсадида маҳаллий тарзда кўриладиган тадбирлар» деган масалани Бош Ассамблея ҳозирги сессиясининг кун тартибига киритишни Руминия ҳукумати номидан таклиф қилди.

Нотиз Болдон райониини атом қуролидан, ракета майдончаларидан ва чет эл ҳарбий базаларидан ҳоли бўлган тинчлик зонасига айлантириш керак деган таклифини кўзлабқувватлади.

Руминия Халқ Республикасини делегациясининг бошлиги «Ешларни тинчлик, ҳамжиҳатлик ва халқларни ўзаро ҳурматлаш руҳида тарбиялаш тадбирлари» деган масалани шу сессиянинг кун тартибига киритишни таклиф қилди.

Г. Георгиу-Деж Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ахшилаш ва тақомиллантириш масаласида Руминия делегациясининг позициясини баён қилди.

Бирлашган Араб Республикасининг президенти Ғамол Абдул Носир гулдурас қарасқлар остида минбарга чиқди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессияси деди у, халқаро кескинлик мислоси мисғега этган, совуқ уруш эса иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан бери мисли кўрилмаган юқори даражага кўтарилган бир пайтда очилди. Бу эса инсоният учун жиддий хавфдир. Шу сабабли тинчликни таъминлаш ҳаётий заруриятгана бўлиб қолмасда, шу билан бирга маънавий бурчдир. Бирлашган Араб Республикасини делегациясининг бошлиги ҳамма мамлакатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ишида мумкин қадар кенгроқ қатнашуви зарурлигини уқтириб ўтди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти задаларининг истак ва орузларини чинакам акс эттирадиган халқаро минбар бўлиб қолиши учун деди у, унинг ешиклари ҳеч бир камситишга ва паратизмга йўл қўйилмайдиган қилиб очиб қўйилиши лозим. Шунинг учун ҳам деди нотик, мен шу имкониятдан фойдаланиб, Бирлашган Араб Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эшиги Хитой Халқ Республикасига очиб қўйилиши керак, деган истакни яна бир марта такрорлайман. Бизнинг ҳалқимиз бу эшикнинг ер эъзидига аҳолининг тўртдан бир қисми учун ёпиб қўйилишини тасаввур қилолмайди. Мен бу масалани жуда дағгал қилиб қўяман. Шундай қилаётганлигининг сабаби шуки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бутун келажига, бинобари эса инсоният тинч тараққиётининг ҳам бутун келажига ҳозирги пайтда жиддий инновдан ўтмоқда.

Носир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳозир оро йўлда қолганлигини айтиб, мустамлакачиликнинг янги формаларини фой қилиб ташлади. Бундан тўрт йил муқаддам деди у, Африка қитъаси мустамлакачилик даври тугатилганининг шохиди бўлган эди, лекин ҳозир бу қитъа мустамлакачиликнинг янги формасига дуч келмоқда. Сувайшда қилинган агрессия ошқорча империализмнинг охири ва унинг дабири бўлган эди. Бутун биз Конгода ниқобланган империализмга дуч келмоқдамиз, бу империализм ўзининг пинҳоний мақсадларига эришмоқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзидан фойдаланмоқда. Осиё ва Африкадаги ёзодиқ ҳаракатлари учун Сувайшнинг аҳамияти шундан иборат бўлдики, у империалист кучлар озоқлик ҳаракатига қадматгич зарбалар бермоқ учун армияларга эса бўлган ва шу армияларни сафарбар қила оладиган давр тугатилганидан ишонча берди. Сувайш уруши агрессия кўрбонларининг ўз армиялари борлигини ва бутун дунёда эркинликнинг тарафдорлари борлигини исбот қилди. Носир кўп мамлакатлар кўзлабқувватлаганлиги туйфайли Мир халқга агрессияни даф қила олганлигини айтиб бундай деди: Империалистлик тўғрисидаги соҳилларимиздан қайтиб кетди ва мағлубиятга учради. Бу эса қуролик ҳужумлар тамом бўлганлигидан ишонча берди, шундан сўнг империализм ўз мақсадларига эришмоқ учун янги востислар қилиришга мажбур бўлди. Сувайшдан сўнг деди Носир, империализмнинг агрессияга интилиши билан чекиниши ўртасида иккиланиб қилиб қолди даври бошланди.

Империализмнинг бу иккиланиши даври Ироқдаги халқ кўзғолони вақтида айниқса аққол бўлиб қолди. Бу мард халқ ўз мамлакатини аж

набийлар таъсиридан қўтқармоқ учун кўзғолон кўтарганида биз империализмнинг қўтириб ва халлослаб ўз армияларини ва флотларини тўплаганлигини кўрдик. Лекин шундан сўнг биз империализм воқеаликнинг шиддатли фактлари билан ҳўсоболашига мажбур бўлганлигини, океан нарёига юборган ўз армиялари ва флотларини қайёда қўйиш билан қолган таралдада қолганлигини кўрдик. Конгода кейинги воқеалар бошланиб кетганида эса биз империализмнинг Сувайш сабабидан ўзи учун фойдаланишга қандай қилиб уринганлигининг шохиди бўлди.

Носир дедик, Бельгия империалистларининг Конгодаги чекиниши Конго халқининг оғирасидан келиб зарба уриш мақсадида қилган қайларини бўлиб қолди. «Конго халқини бошига тушган, бизга ҳам тақдир солаётган энг катта хавф шуки, — деди Бирлашган Араб Республикасининг президенти, — империализм ўзининг ҳақиқий мақсадларини ниқобламақ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан фойдаланишга уринмоқда». Империалистлар ишлаётган бу найрангининг қўрбонлики: Конго халқи ва Бирлашган Миллатлар ташкилоти бу найрангга қўрбон бўлмоқда.

Бирлашган Араб Республикасини делегациясининг бошлиги мустамлакачиларнинг Конгодаги қирқилорларини фой қилиб ташлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини деди у, Конгонинг қонуний ҳукумати таклиф қилган эди. Хўш оқибат нима бўлиб қилди? Конгонинг мустамлақчиларга қайда қолди? Бунинг жавоби шуки, империализм ўзининг армиялари ва қуроли-яроғлари билан ҳали ҳам Конгонинг баъзи районларида турибди. Миллий бирлик қаёқда қолди? Носирнинг гапига қараганда, бу саволнинг жавоби кишини ажаблантирибди — ниқофчилар гуруҳиаси империалистларнинг ёрдами билан Конгода бемалол кўзайинлик қилиб турган бир вақтда қонуний миллий ҳукумат ўз вазифаларини нормал шартларда бажармаётди. «Вазият шундай бўлиб қолди, бу вазият тақликали равишда ёмонлашиб бормоқда, шу билан бирга энг катта хавф шуки, бу ҳолат Конгода Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг байроғи хилпираб турган бир шартларда бўлиб қолмоқда. Нега шундай бўлди? Бунинг учун ким жавобдор? Конго халқининг манфаатлари учунгина эмас, шу билан бирга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг манфаатлари учун ҳам биз шу саволларга жавоб беришимиз лозим».

Президент Носир Франциянинг Жаёзир халқига қарш мустамлака урушини давом эттираётганлигини қаттиқ қоралади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти деди Носир, ўз бурчини бажариш керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг назорати ва ҳимояси остида умумий овога кўйиш ўтказиш асосида Жаёзир халқига ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бериши талаб қилаётганлиғимиз билан биз қаддан ташқари катта талаблар қўяётимиз, деб ўйламайман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг роли ҳақида гапирган вақтда деди Носир, айрим буюк давлатлар бу халқаро ташкилотдан «совуқ уруш»да ўзларига қуроли қилиб фойдаланишга уринаётганликлари йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Бирлашган Араб Республикасининг президенти Америка ҳукумати бир қанча делегацияларга нисбатан келаш чоралари ўрнатилганлигини қоралади. Бу ерда деди у баъзи делегацияларга нисбатан ҳамжиҳатлик ва илтифот кўрсатишда, вақолақ улар, бизнинг фикримизча шундай ҳамжиҳатлик ва илтифот кўришга ҳақли эдилар.

Президент Носир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессияси тарихга тинчлик сессияси бўлиб қиради деб умид билдириди.

Носир нутқининг охириги сўзлари гулдурас қарасқлар билан кутиб олди. Н. С. Хрушчев бошчилигида Совет делегацияси ўрнидан туриб олқиланди.

Бош Ассамблеянинг ағзалари алпин мажлиси шу билан тугади. Кундузи мажлисида умумий дискуссия давом эттирилади.

НЬЮ-ЙОРК, 27 сентябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессияси Нью-Йорк вақти билан соат 15—20 минутда (Москва вақти билан соат 22—20 минутда) ўз ишини яна давом эттирди.

Кундузи мажлисида умумий-сиёсий дискуссия давом қилди. Таиланд ташқи ишлар министри Танат Коман биринчи бўлиб сўзга чиқди.

Таиланд вақили дедик, жаҳондаги етакчи арбобларнинг кўплари бу сессияда қатнашаётганлиги мамлакатлар тинчликка олиб борадиган йўлни топишга интилаётганлигидан далолат беради. Таиланд вақили Конгодаги аҳвол ҳақида гапирди: «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу мамлакатни қўтариб қолди» деб даъво қилди ва хатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари

нинг ҳуқуқларини кўпайтиришини талаб қилди.

Ранс Польша Халқ Республикасини делегациясининг бошлиги Владислав Гомулка сўз берди. Гомулка минбарга чиқиб билан уни давомий қарасқлар билан кутиб олди. Шу қадар кўп ҳукуматлар бошлиқларининг ҳамда айрим давлатлар ва халқлар етакчи арбобларининг асосида ишда қатнашаётганлиги, деди у, аввало халқаро вазиятнинг жиддийлигидан далолат беради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўтган йилги сессиясидан бери ўтган вақт ичида бутун дунёда тинчликни сақлаш нукта-назаридан қараганда халқаро вазият ёмонлашиб кетди. Шу билан бирга, бу сессияда шундай раҳбар арбобларнинг қатнашаётганлиги яна шунга ҳам кўрсатадики, кўп мамлакатлар, шу жумладан Польша ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотига жуда катта аҳамият бермоқдалар.

Гомулка Америка ҳукумат маъмурлари камситишчи фармойишлар бериб, баъзи социалистик мамлакатларнинг ва Кубанинг делегацияларини олиб бориши учун ғайри нормал шартот вужудга келтирилганлигини қоралади. Баъзи мамлакатларнинг делегацияларига қарши қартилган ҳар хил безорилик қилишлари, деди Польша делегациясининг бошлиги, муайян ҳукумат органлари розилик бермаган шартларда содир бўлаётганлигини тасаввур қилиш қийин. Маана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб туриб, деди у, шундай шартларда Нью-Йорк Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қароргоҳи қартилган ҳар хил безорилик қилишлари бўлиши мумкинми деган масаланинг бу ерда қўйилганлигини жуда асосли, деб ҳисобламоқ керак.

Гомулка Африкадаги янги мустамлака мамлакатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлигини табриклиб, бу қитъадаги қолган бошқа мамлакатлар ҳам ва аввало Жаёзир ҳам озоқликка чиқиб олишларига ишорат билдириди. Еш мамлакатлар, деди у, ўзларининг эски ҳўжайинларига — мустамлакачиларга ва капиталистик концерналарга бўлган иқтисодий қарамликдан тўла равишда қўтимоқ учун машқатли йўл босиб ўттишлари керак. Гомулка Африкадаги еш давлатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш кераклигини айтиб, Конгода бўлаётганлик шун мамлакатларнинг ички ишларига аралашмоқ учун «ёрдам» сўйиб ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг байроғини суиистеъмол қилишга қарши оғохланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзайроқдан мустамлакачиларнинг ошанфаатларини ниқобловчи парадоксисила фойдаланиш, деди Гомулка, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадларига ва принципларига тамомла эид бўлиб тушади. Польша делегацияси, деди Гомулка, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг ҳаракатлари тўғрисида қилинган танқидга тўла равишда қўшмали.

Социалистик давлатларини «мустамлакачи» ва «империализм» деб айблаб, мустамлакачиларни ҳар хил ёлғонлар, бўҳтонлар ва демагогия ишлатиб йўли билан ҳимоя қилишга ва оқлашга уринаётганларга Польша делегациясининг бошлиги кескин зарба берди. Шу муносабат билан Гомулка Канада бош министри Дифенбейкернинг халқ демократияси мамлакатларининг ҳаммасини «мустамлакалар» деб айтган гапига ва «совет мустамлакачилик» тўғрисидаги вайсашларига тўхталиб, бундай деди: Канада ҳукуматининг бош министри бошқа халқларнинг эксплуатация қилаётган шу халқларнинг меҳнати билан ўзига бойлик ортиратган, шу халқларнинг табиий бойликлари, қорхоналарини ва шу каби бойликлари босиб олган бирон социалистик давлатнинг номини айтиб бера олармикан. Бундай социалистик мамлакат йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Мустамлакачиликнинг моҳияти шуки, у бошқа халқларнинг эксплуатация қилиш ва уларнинг мол мулкни талаш мақсадида шу халқларни қўл қилиб олади. Бельгия Конгодан ҳар йили бир неча юз миллион доллар фойда ортириб келганлигини эслатиб ўтишнинг зарурияти бормикан. Африка арбоблари сўзлаган нутқлардан кейин бош министр Дифенбейкерга Ангюла ва Мозамбикдаги мажбурий меҳнат лагерлари тўғрисида, Жанубий Африка иттифоқиди вақшинеа ирқчилик сибаси ўтказилиб келаяётганлиги ҳақида ва одамлар учун резервалар ташкил қилиб қўйилганлиги ҳақида эслатиб ўтишнинг зарурияти бормикан.

Канада бош министри мустамлакачиликни оқлашга ва ХХ асрдаги бу шармандали ҳодисадан жамоатчилик фикрини қалтиришга уринмоқда ва мунофиқлик қилиб ўзини социалистик халқлар эркинлигининг ҳимоячиси қилиб кўрсатмоқда. Ўз давлатларига ўзлари ҳўжайин бўлишларига қадар чет эл капитални томонидан танқид келган бизнинг география райониимиздаги халқлар эркинликга ўз бахт-саодатлари учун меҳнат қиломоқдалар, чинакам дав

лат мустақиллигидан баҳраманд бўлиб ашмоқдалар.

Польша делегацияси, деди Гомулка, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарини уч кишидан иборат комитет билан алмаштириш вазиятини соғломлаштиришди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотини мустаҳкамлайди, деб ҳисоблаб, бу ҳақда СССР Министрлар Совети Раяси Н. С. Хрушчевнинг айтган фикрини маъқуллайдди.

Польша делегациясининг бошлиги ёппасига ва батамом қуролсизланиш масаласида ўз мамлакатининг позициясини баён қилиб берди. Гомулка шунга эслатиб айтдики, бундан бир йил муқаддам Н. С. Хрушчев шу минбарнинг ўзидан туриб сўзлаган нутқиди киритган таклифини Бош Ассамблея ақлилик билан маъқуллаган эди. Халқлар, деди Гомулка, Ассамблея қабул қилган қарорларнинг амалий натижаларини кутиниға ҳақликларинг. Бироқ, ўтган йил халқларнинг умидларини рўёбга чиқармади. Шарқ билан ғарб ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинлик қутилгандек юмшамди. Совуқ уруш тарафдорларининг иғвогарлик ҳаракатлари натижасида юксак доирадаги кенгаш барбод бўлди.

Польша Халқ Республикасини делегациясининг бошлиги Ғарб давлатларининг қуролсизланиш масаласидаги позициясини бутунлай асосизлигини, жумладан уларнинг қуролсизланмай туриб контроль ўрнатилганлиги бўлиб берибди. Ғарб давлатларининг бу плани, деди Гомулка, қуролсизланиш учун шартот вужудга келтириш у ёқда турсин, балки эфр бериб қуролашнинг тезлаштириб юборди ва уруш хавфини кўпайтириб юборди.

Сўнгра Польша делегациясининг бошлиги уқдириб айтдики, тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатишга интилаётган мамлакатлар ижтимоий тузумдаги тафовутлардан қатъий назар тинч-тотув яшаш позициясига ўтиб боришлари лозим. Ғарб давлатлари шу позицияга тушиб олмас эканлар, деди Гомулка, қуролсизланиш тўғрисидаги музокара ижобий натижага олиб келмайди.

Сўнгра Гомулка совуқ урушнинг асосий ўчоғи бўлган Ғарбий Германияда аҳволга таърифат тўхтади. Бутунги кунда Германия Федератив Республикасини реваншичилик пропаганда ўтказиладиган жой бўлиб турибди, фашистлар ва ирқчилар хуруж қилаётган жой бўлиб турибди, шунингдек, бу ерда милитаристлар ва реваншистларнинг намойишлари тинимсиз ўтказилиб турибди. Германия Федератив Республикаси Польшадан, Чехословакиядан ва бошқа давлатлардан расмий равишда, Бонн ҳукуматининг ҳужжатларида ва Бонн ҳукумати раҳбарларининг баёнотларида территория даъво қилаётган Европада бирдан бир давлатдир.

Герман милитаризми, деди Гомулка, ўзининг агрессив ниятларига ҳалақит берган халқаро битимларга ва ҳуқуқни ҳаммаи поймол қилиб келган. Ҳозир ҳам Германия Федератив Республикасини Германия ҳеч сўзсиз таслим бўлиш тўғрисидаги актини имзолаганидан сўнг иттирича қарши коалиция давлатлари томонидан халқаро ҳуқуқ-талабларга мувофиқ тузилган Потсдам битимини эътиборга олишни истамаётди ва тан олмаётди.

Польшанинг четаралари, деди Гомулка, етарли даражада таъминланган. Четаралар проблемаси йўқ — тинчлик проблемаси бор ҳолос. Ғарбий Германияда рўй бераётган ва тинчлик учун хатарли бўлган ҳаракатларнинг пайини қириқти алақарон керак эди. Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганлигини эси-қилиш таъкидлаш ва Германия билан суҳб шартномаси имзолаш пайти келди. Ҳозирги мавзуд аҳвол герман ревиэионизмига ва милитаризмга қўзлайлик тудирмоқда. Тинчлик манфаатларига мос келадиган конструктив қарорлар қабул қилиш йўлига кириш пайти келди.

Гомулка Потсдам битимини имзолаган ҳамма давлатларни Германиянинг барча мавжуд четараларини узи-қесил четаралар деб эътироф қилишга қартиди.

Гомулка шунга ҳам эслатиб ўтдики, ҳозир ҳарбий мақсадлар учун ишлатилаётган барча энергия манбаларида ва фан муваффақиятларидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш натижасида келиб чиқибши мумкин бўлган имкониятларни тадқиқ қилуви эскирлар комитети тузиш тўғрисида Гапа президенти киритган таклифини Польша делегацияси қизиқиб эшитди.

Катта-проблемаларини ҳал қиломоқ учун деди Гомулка, ишни енгилоқ, етарлиган проблемалардан бошламоқ керак. Аввало, ҳозир жуда ҳам етилган масалани — ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласини охирига етказиш лозим. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маффаатлар давлатлардан бу масала устида ҳаммузгача давом қилиб келаятган ке

лишмовчиликларни бартаф қилиши ва муайян мўддат билан тегишли битим тузишни талаб қилиши лозим.

Польша Халқ Республикаси ҳукумати шу билан бир қаторда янги давлатларнинг ҳам эфр бериб қуролашнинг ва, аввало ракета-ядро қуроли билан қуролашнинг киришиб кетишларига йўл қўймайдиган чораларни дарҳол кўриши ва бу соҳада рўй берган янги фактлар вужудга келишининг олдини олиши зарур. Бунинг учун атом қуролига эга бўлган давлатлардан бу қуролини бошқа давлатларга бермасликини, бошқа давлатлардан эса бу қуролини қабул қилмасликини қатъий талаб этиш керак. Ўз территорияларида ракета установакалари бўлмаган давлатлардан бундай установакалар қурилишига йўл қўймасликини ҳам қатъий талаб қилиш керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамма давлатлардан бошқа давлатларнинг территорияларига ҳеч қандай янги базалар қўрмасликини ва ўз территорияларида чет эл ҳарбий базалари қурилишига рухсат бермасликини қатъий талаб қилиши лозим.

Ёппасига ва батамом қуролсизланиш масаласи ҳақидаги музокараларнинг яхши давом этиши ва муваффақиятли натижалар беришини таъминламоқ учун қурилиши лозим бўлган чоралар орасида бир-бирига қарама-қарши турган ҳарбий гуруҳлар ўртасида чегара бўлиб турган мамлакатларда қуролашнинг тўхташи ва қисқартиришга қаратилган тадбирлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан Гомулка Марказий Европада атомсиз зона вужудга келтириш тўғрисида Польша Халқ Республикаси ҳукуматининг 1957 йилда қилган таклифини эслатиб ўтди.

Агар шу таклифлар амалга оширилганида эди, деди Гомулка, Марказий Европадаги аҳвол ҳозирги кунда бутунлай бошқача бўлиб қолур эди. Бироқ Польша Халқ Республикасининг бу ташаббусини жаҳон жамоатчилиги кенг равишда қўллаганлига қарамай, аввало Германия Федератив Республикаси ва АҚШ ҳукуматлари бу ташаббусга қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар.

Руминия Халқ Республикаси Болкон ярим оролида атомсиз зона вужудга келтиришни, яқинда эса Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Ўзоқ Шарқда ва Тинч Океан районида атомсиз зона вужудга келтиришни таклиф қилганликларига Гомулка ассамблеянинг эътиборини қалб қилди. Гапа ҳукумати Африкада шундай зона вужудга келтиришни шу минбардан туриб таклиф қилганлигини ҳам эшитдик, деди Гомулка.

Польша деди Гомулка, Совет Иттифоқининг қуролсизланиш тўғрисида шу сессияда киритган таклифларини тўла равишда қувватлади. Биз бу таклифларнинг Бош Ассамблеянинг яқин мажлисларида муҳокама қилинишига тарафдорим.

Биз деди пировағида Гомулка, инсониятта энг яхши келажак олиб келаятган социалистик лагернинг бир қисми бўлганлиғимиз билан фархланамиз. Тинчликка муштор бўлган, тинчлик фойдасини кўзлаб ҳаракат қилаётган ҳар бир киши қайси ижтимоий тузумга мансуб бўлишидан қатъий назар бизга яқин кишидир.